



ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САВДО ХИЗМАТЛАРИНИНГ
СИФАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мукимова Ўғилой Тоғибоевна -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,
таянч докторант

Ахмеджанова Фарида Абдухалимовна -
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,
т.ф.н., доцент

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a83

Аннотация. Мақолада Самарқанд шаҳар сайдёлар ва меҳмонлар серқатнов ҳудудларида савдо дўконларида савдо хизмати сифати кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва савдо хизмати сифатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: чакана савдо, савдо хизмати, савдо объекти, товарлар ассортименти, товарларнинг истеъмол хусусияти, товар сифати, намуналари савдо дўкони.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КАЧЕСТВА ТОРГОВЫХ УСЛУГ В
ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКЕ

Мукимова Угилой Таджисибоевна -
Самарканский институт экономики и сервиса, докторант

Ахмеджанова Фарида Абдухалимовна -
Самарканский институт экономики и сервиса,
к.т.н. доцент

Аннотация. В статье проанализированы показатели качества обслуживания торговых услуг в туристско - визитной зоне города Самарканда и даны рекомендации по совершенствованию качества обслуживания.

Ключевые слова: розничная торговля, торговое обслуживание, торговый объект, ассортимент товаров, потребительские характеристики товаров, качество товаров, образцовый торговый магазин.

WAYS TO IMPROVE THE QUALITY OF TRADE SERVICES IN THE INNOVATION ECONOMY

Mukimova Ugiloy Tajiboevna -
Samarkand Institute of Economics and Service, Phd

Akhmedjanova Farida Abdughalimovna -
Samarkand Institute of Economics and Service,
c.t.s. Associate Professor

Abstract. The article analyzes the indicators of the quality of the sales service in the shopping areas of the tourist and visitor areas of the city of Samarkand and gives recommendations for improving the quality of the sales service.

Key words: retail trade, trade service, trade object, assortment of goods, consumer characteristics of goods, quality of goods, model trade store.

Кириш. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғрисидаги” қарорида хизматларни ривожлантиришнинг йўналишлари белгилаб берилди[1]. Хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисми ҳисобланган савдо хизматлари соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган савдо хизматлари сифатини ошириш ҳамда турили хилдаги талабларини қондириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Савдо хизматлари – истеъмол товарлари бозорининг асосий сегменти ҳисобланади. Истеъмол товарлари бозорининг ҳолати (ташкил этилиши ва унинг тўйиниш даражаси) мам-

лакат социал-иқтисодий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади. Савдо хизмати инсонлар ҳаётини яхшилашга, аҳолининг бандлигини таъминлашга, даромадларини ошириш орқали уларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Республикамизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, моддий ва маънавий даражасини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Аҳолининг турмуш шароити сифатини оширишда иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланмиш савдонинг аҳамияти беқиёсdir.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Савдо хизматларининг сифатини такомиллаштириш борасида бугунги кунга қадар кўплаб ишлар амалга оширилган. Жумладан, чакана савдо корхоналарида электрон савдони ривожлантириш орқали мижозларга хизмат кўрсатиш мадания-

тини ошириш масалалари Д.Ферни томонидан тадқиқ қилинган. Унинг фикрича, чакана савдо тамойиллари тез ўзгарувчан ва рақобат муҳитида замонавий чакана савдони бошқаришнинг асосий жиҳатлари бўйича кенг қамровли соҳадир [2].

Савдо хизматини сифатли амалга оширишда товар ассортименти муҳим роль ўйнайди. Товар ассортиментининг кенглиги истеъмолчида танлаб олиш қобиляти ва истеъмол талабини оширади. Товарлар ассортиментини бошқариш орқали савдо хизматини ошириш масалалари В.Снигерева томонидан ўрганилган. Унинг фикрича, савдо соҳаси катта таркибий ўзгаришларга дуч келган ва бундай ҳолатда чакана савдо менежерлари стратегия ишлаб чиқишилари, сотиш ассортиментини танлаб олишлари, товар нархини белгилашлари, савдо дўйонларида товарларни тақдим этиш борасида қарор қабул қила олишлари керак. Ушбу ҳаракатлар савдода товар ассортиментини бошқариш ҳисобланади. Товарлар ассортиментини бошқариш орқали савдо хизматини ривожлантириш соҳа самарадорлигини оширишга хизмат қиласди [3].

Савдо дўйонларида хизмат кўрсатиш жараёнларида асосий ва қўшимча савдо хизматларини такомиллаштириш орқали истеъмолчиларнинг талабини юқори даражада қондиришга эришиш мумкин. Бу борада С.Сысоева ўз илмий ишларида харидорларга товарларни сотиш жараёнда кўрсатиладиган асосий ва қўшимча савдо хизматларини батафсил ёритган. Унинг таъкидлашича, савдо ходими бир қоидани доимо ёдида тутиши керак: "Сотиш истеъмолчиларга фойдали бўлган товарларни танлай олиши ва сотиб олиш қарорини қабул қилишида ёрдам бериш жараёнидир" [4].

Савдо хизматининг қай даражада ташкил қилинганилиги савдо жараёнда амалга ошириладиган хизмат маданияти даражасини кўрсатиб беради. Савдо хизматига олимлар томонидан қуидагича таърифлар берилган. Савдо соҳаси муаммоларига республикамизда фаолият олиб бораётган қуидаги олимларнинг илмий изланишлари ва қарашларини келтиришимиз мумкин. Б.Абдукаримов томонидан савдо соҳасидаги кўплаб муаммолар ўрганилган. У савдо хизматини қуидагича таърифлаган: "Савдо хизмати тушунчасига кенг маънода савдо хизматнинг алоҳида тури бўлиб, у бир томондан ишлаб чиқарувчиларга хизмат қиласди, иккинчи томондан истеъмолчиларга, учинчи томондан давлатга хизмат қиласди ва тўртингидан у бошқа иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ҳам хизмат кўрсатади, уларнинг хизматларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан алоқада бўлади [5].

Савдо жараёндаги асосий кўрсаткичлардан бири савдо хизмати сифати ҳисобланади. Истеъмолчиларнинг талабини юқори даражада қондириш учун савдо хизмати сифатини ошириш муҳимдир. Савдо хизмати сифатини ошириш харидорларга маслаҳат бериш, товарларнинг намуналарини ҳаракатда кўрсатиш, реклама ва ахборотнинг турли шаклларини ривожлантириш йўли билан товар танлаб олишда харидорларга ёрдам беришни ҳам тақозо этади[6].

Ф.Б.Абдукаримов олиб борган илмий изланишларида савдонинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаб ўтган. Унинг таъкидлашича, савдонинг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларга хизмат қилиш ва аҳоли ҳаётини таъминлайдиган алоҳида хизмат соҳасидир[7].

Маҳсулотларни сотиш хизмати деганда, маҳсулот (товар)ни бир шахсдан иккинчи шахсга пул ёки бошқа шунга тенглаштирилган бойликка алмаштириш эвазига мулк эгасининг (мулкка эгалик ҳуқуқининг) ўзгаришини таъминлаш жараёнда кўрсатиладиган хизматлар билан боғлиқ муносабатлар тушунилади [8]. Кўплаб олимлар томонидан савдо хизматининг назарий асослари тадқиқ қилинган бўлиб, савдо корхонларида савдо хизмати таҳлили ва савдо хизматини такомиллаштириш имкониятлари ўрганилмаган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнда малумотлар таҳлили, анализ, баҳолаш, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

Таҳдил ва натижалар. Аҳолининг халқ истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришда республикамизда мавжуд бўлган савдо корхоналари, тадбиркорлар фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Кенг ассортиментдаги товарлар истеъмолчиларнинг талабларига мос ҳолда таклиф этилишида ва уларга билимли хизмат кўрсатишида савдо ходимларининг ўрни жуда каттадир. Лекин бაъзи савдо дўйонлари ходимларининг аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси жуда паст. Аҳолига савдо хизматини кўрсатишида бир қанча камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бунга сабаб:

- савдо хизмати билан шуғулланувчи ходимларнинг кўпчилигига савдо хизмати билан боғлиқ ҳуқуқий билимлар етарли даражада эмас. Республикаизда қабул қилинган, савдо хизмати билан боғлиқ бўлган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларини билмасликлари ва бу борада маҳсус билимга эга эмасликлари сабабли савдо корхоналарининг фаолиятида аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси пастлиги, қонунбузарлик ҳоллари учраб турибди;

- савдо дўйонларида савдо хизмати билан шуғулланувчи ходимлар товарлар ассортимен-

ти, товарларнинг тамғаланиши, товар ҳақида маълумотлар ва уларга кўра товарларни сақлаш қоидалари, сифатини тасдиқловчи сертификат ва бошқа меъёрий техник ҳужжатлар ҳақида етарли тушунчаларга эга эмаслар;


– кўпчилик дўйонларда товарларни сақлаш, жойлаштиришда оддий қоидаларга риоя қилинmasликлари оқибатида озиқ-овқат товарларининг сифати пасайиши ва истеъмолчиларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатишининг гувоҳи бўляпмиз;

– тадбиркорлар томонидан четдан олиб келинаётган товарларнинг истеъмол хусусиятлари ҳақида билимга эга эмасликлари, товар хусусиятлари Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида тўғри келмаётгандиги оқибатида сифати талаб даражасида бўлмаган товарларнинг

кўпайиши ва истеъмолчилар ўткасаидаги юқумли, турли тери-таносил, аллергик касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Юқорида таҳлил қилган камчиликларни эътиборга олган ҳолда, Самарқанд шаҳар сайёхлар ва меҳмонлар серқатнов ҳудудларида савдо дўйонларида савдо хизмати сифатини таҳлил қилиш ва савдо хизмати сифатини оширишга кўмаклашиш мақсадида 60 та озиқ-овқат савдо дўйони танлаб олинди. Савдо дўйонларида хизмат сифатини ўрганиш ва камчиликларни барта-раф этиш мақсадида тузилган саволнома асосида мониторинг ўтказилди.

Озиқ-овқат савдо дўйонларининг дастлабки ва мониторингдан кейинги савдо хизматининг ҳолати диаграммаларда келтирилган.




1-диаграмма. Самарқанд шаҳридаги озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўйонларининг дастлабки ҳолати таҳлили, %ларда (56 та дўйон мисолида)

Манба: муаллиф ишланмаси

1-диаграммада ўрганилган 56 та савдо дўйонларининг дастлабки ҳолати натижаларига кўра, 47 % савдо дўйонларининг хизмати талабга жавоб беради, 37 % савдо дўйонларининг хизмат-

ти талабга жавоб бермайди, 16 % дўйонларда саволномада кўрсатилган товар ассортименти ёки хизмат тури мавжуд эмас.



2-иаграмма. Самарқанд шаҳридаги озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўйонларининг мониторингдан кейинги ҳолати таҳлили, %ларда (56 та дўйон мисолида)

Манба: муаллиф ишланмаси.

2-диаграммада савдо дўконлари билан ишлаш натижаларининг мониторинги қўйдагиларни кўрсатди. 56 та савдо дўконларида хизматнинг талабга жавоб берадиган кўрсаткичлари 28 %дан 37 %га кўтарили.

Савдо дўконларининг хизмат сифатини янада ошириш мақсадида 5 та худуддаги 56 та савдо дўконлари таркибидан энг намунали савдо дўконини танлаб олиш учун “Намунали савдо дўкони” номинацияси мезонлари ишлаб чиқилиди (1-жадвал).

1-жадвал

**Озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларининг “Намунали савдо дўкони”
номинацияси мезони**

№	Мезонлар кўрсаткичлари	“5”	“4”	“3”
1.	Савдо дўконида кириш йўлакчаларининг талабга жавоб бериш даражаси (кириш йўлакчаларининг тозалиги, қулайлиги, чиқинди қутисининг мавжудлиги ва тозалик даражаси)			
2.	Савдо дўконининг пештахтаси ташкил этилиши даражаси (савдо дўконининг номланиши, иш вақти бошланиши, тугаши, тушлик вақти ҳамда санитария тозалик куни, вақти кўрсатилган бўлиши керак)			
3.	Савдо дўконида истеъмолчи бурчагининг тўғри ташкил этилганлиги, унда юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар – ўз корхонасининг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), шунингдек, унинг жойлашган жойи (почта манзили) мавжудлиги			
4.	Савдо дўкони ходимларида маҳсус кийимнинг мавжудлиги			
5.	Савдо дўкони ходимларининг иш жараёнида шахсий гигиена қоидалари (сочсоқол ва тирноқлар олинган, маҳсус кўлқоплар билан таъминланган)га риоя этишлари			
6.	Савдо дўкони ходимларининг муомала маданияти даражаси, харидорларга хушмуомилалиги, дўстона муносабати, очиқ юзлилил каби хислатларининг намоёнлиги даражаси			
7.	Савдо дўконида хизмат кўрсатиш маданиятининг ҳолати: харидорнинг истагига биноан маҳсулотлар тўғрисида аниқ маълумот берса олиши ҳамда мижоз савдо дўконига киргундан бошлаб, то чиққунга қадар бажонидил хизмат кўрсатиши ва истеъмолчининг озиқ-овқат товарига бўлган талабини юқори даражада қондириш даражаси			
8.	Товарларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарлар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги: товарнинг номи; товарнинг штрихи коди (мавжуд бўлганда); товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартлари; яроқлилик муддати; товарнинг оғирлиги, товарнинг нархи, товар сифатини кафолатловчи мувофиқлик белгиси			
9.	Четдан импорт орқали келтирилган товарларда товар ҳақидаги маълумотлар харидорлар эътиборига давлат тилида етказилишининг мавжудлиги			
10.	Савдо дўконларида озиқ-овқат товарларини витриналарда ёнма-ён сақлаш ва жойлаштириш тўғри ташкил этилганлиги, қуёш нурлари ва ёғингарчилкларнинг тўғридан-тўғри таъсирига учрайдиган ҳолати			
11.	Савдо дўконларида қадоқланган товар ўрамига этикетка ёпиштирилиши (товар номи, тайёрловчи корхонанинг ёки тайёрловчи мамлакатнинг номи, бир бирлигининг баҳоси, тайёрланган санаси, яроқлилик муддати, қадоқланган санаси, қадоқловчининг тартиб рақами ёки фамилияси) маълумотларининг мавжудлиги			
12.	Савдо дўконларида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули билан савдога тайёрланадиган товарларнинг талаб даражасига жавоб бериши (ўрам материали, тамғаланиши, боғланиши, қадоқланиши)			
13.	Савдо дўконларида тухум маҳсулотларининг сотилишини ташкил этиш даражаси. Ветеринар кўригидан ўтганлиги ҳақида вет. гувоҳномасининг мавжудлиги (ветеринар гувоҳнома қабул қилинган тухумнинг ҳар бир партиясида мавжуд бўлиши керак). Ифлосланган, синган, тешилган, бутунлигини йўқотган тухумлар ҳамда ўрдак ва ғоз тухумлари сотилиши таъқиқланади. Тухум маҳсулотлари ҳақида маълумотларнинг мавжудлиги (товар номи, тайёрловчи корхонанинг ёки тайёрловчи мамлакатнинг номи, нархи, қадоқланган санаси, қадоқловчининг тартиб рақами ёки фамилияси, яроқлилик муддати)			
14.	Савдо дўконларида сут ва сут маҳсулотларининг сотилишини ташкил этиш даражаси.			

	<p>Озиқ-овқат дўйонларида ностандарт идишлар, баклажкалар, бутунлиги бузилган қадоқларда сифати ва хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳужжатлари бўлмаган сут ва сут маҳсулотлари сотилиши таъқиқланади.</p> <p>Сут ва сут маҳсулотларининг махсус совуткичларда талаб этилган ҳароратларда сақланиши ва сотилиши.</p> <p>Савдога қўйилган сут ва сут маҳсулотларининг истеъмол муддатига қатъий амал қилиниши</p>		
15.	<p>Савдо дўйонларида нон ва нон маҳсулотларининг сотилишини ташкил этиш даражаси.</p> <p>Нон маҳсулотларини устма-уст тахлаш, деворга яқин жойга қўйиш таъқиқланади.</p> <p>Нон полдан 35 смдан юқори бўлган стеллажларда тахланади.</p> <p>Истеъмолга яроқсиз нон маҳсулотлари сотувини таъқиқлаш.</p> <p>Нон маҳсулотлари сотуви ташкил этилганлик даражаси (махсус қўлқоплар, санчқи, полиэтилен халтачаларнинг мавжудлиги)</p>		
16.	<p>Савдо дўйонларида қандолат маҳсулотларининг сотилишини ташкил этиш даражаси.</p> <p>Торт, шу жумладан, пирожнийларни стандарт қутиларда қадоқланган, маркировкаси бўлган ҳолда сотиш талаб этилади.</p> <p>Қандолат маҳсулотлари ҳақидаги маълумотларнинг (номи, ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати, ишлаб чиқарган корхона ва давлатнинг номи, нархи) тўликлиги</p>		
17.	<p>Савдо дўйонларида мева ва сабзавотлар учун витриналарнинг тўғри ташкил этилганлиги (сотувга қўйиладиган мева-сабзавот товарлари сортларга ажратилган бўлиши керак). Мева-сабзавот товарларини сотиш (савдо) жойларида товарнинг механик шикастланишдан сақлашни таъминловчи идиш ва ўрамда бўлишлиги, мева-сабзавот товарларининг носоз, ифлос ва ўзига хос ҳид келиб турадиган идишда сақлашга йўл қўйилмайди</p>		
18.	Савдо дўйонларида хосил бўлган чиқиндилар алоҳида оғзи берк идишларда сақланиши, тўлганидан сўнг чиқинди йигиши контейнерларига тўқилиши		
19.	Савдо дўйонлари худудида чиқиндиларни йигиши учун алоҳида майдон ажратилиши, чиқинди йигиши майдони ҳар куни тозаланиши ва дезинфекция қилиб турилиш даражаси		
20.	Савдо дўйонларида банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалиниң мавжудлиги, харидорлар билан нақд пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса машиналарининг ташкил этилганлиги (истеъмолчига кўринадиган жойга жойлаштирилганлиги)		
Жами баллар тўплами:			

Манба: муаллиф ишланмаси

Изоҳ: "90-100" балл тўплаган савдо дўйони намунали савдо дўйони ҳисобланади.



1-расм. "Намунали савдо дўйони" логотипи

Манба: муаллиф ишланмаси.

Номинация мезонларига савдо хизматини баҳоловчи 20 та савол киритилди. Баҳолаш учун “5” балли тизим олинди. Номинация мезони бўйича 90-100 балл тўплаган ҳамда “Намунали савдо дўкони” номинацияси мезонларига жавоб берадиган Самарқанд шаҳридаги савдо дўконлари аниқланди (2-жадвал). “Намунали савдо дўкони” логотипи ишлаб чиқилди (1-расм) ва Самарқанд шаҳридаги намунали савдо дўконларига топширилди.

1-жадвалда озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларининг савдо хизмат кўрсатиш сифат даражаси ва хизмат маданиятини ошириш мақсадида “Намунали савдо дўкони” номинацияси

мезони ишлаб чиқилди. Мезондаги саволлар озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконининг савдо хизмат кўрсатиш сифат даражаси ва хизмат маданиятини аниқлаш учун мўлжалланган. Мезондаги барча саволларга жавоб берадиган савдо дўконлари намунали савдо дўкони сифатида тан олинади.

1-расмда “Намунали савдо дўкони” логотипи келтирилган. Ушбу логотип озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларининг “Намунали савдо дўкони” номинацияси мезонлари талабларига жавоб берадиган савдо дўконларига тақдим этиш учун олиб борилган изланишлар натижасида ишлаб чиқилди.

2-жадвал

“Намунали савдо дўкони” номинацияси мезонлари кўрсаткичлари талабига жавоб берган савдо дўконлари ҳақида маълумот

Дўконлар номи	Мезондаги саволлар рақами (балл)	1. “Sam Dil Kusho Faravon Savdo” МЧЖ (Самарқанд шаҳар Амир Темур кўчаси 41-А уй)	2. “Умид Ёшлик” МЧЖ (Орион) (Самарқанд шаҳар А. Навоий кўчаси 38-уй)	3. “Shohjahon universal food” МЧЖ (Оптовик уз) (Самарқанд шаҳар Мирзо Улуғбек кўчаси 39-уй)	4. “Сам Шодлик” МЧЖ (Самарқанд шаҳар Даҳбед кўчаси 69-уй)	5. “Шукрулло савдо” МЧЖ (Оптом.уз) (Самарқанд шаҳар Беруний кўчаси 7-а уй)
1.	5	5	5	5	4	4
2.	5	5	5	5	4	5
3.	5	3	3	5	5	4
4.	5	5	5	4	4	3
5.	5	5	5	5	5	5
6.	5	5	5	5	5	5
7.	5	5	4	5	5	5
8.	5	5	4	5	5	5
9.	4	5	5	4	4	5
10.	5	5	5	5	5	5
11.	5	5	5	5	5	5
12.	5	5	4	4	4	4
13.	5	4	5	4	4	4
14.	5	5	5	5	5	5
15.	5	5	5	5	5	4
16.	5	5	5	5	5	5
17.	5	5	5	5	5	4
18.	4	5	4	5	5	4
19.	4	3	4	4	4	4
20.	4	3	4	4	4	5
Жами:	96	93	92	92	92	90

Манба: муаллиф ишланмаси.

2-жадвалда олиб борилган изланишлар давомида Самарқанд шаҳридаги 56 та озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконлари танлаб олинди. Ушбу танлаб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларидан номинация мезони бўйича 90-100 балл тўплаган ҳамда “Намунали савдо дўкони” номинацияси мезонларига жавоб берадиган савдо дўконлари аниқланди. Баҳолаш учун “5” балли тизим олинди.

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган тадқиқотлар натижаси таҳлилидан келиб чиққан ҳолда Самарқанд шаҳрида озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларида савдо хизмати сифа-

тини ошириш мақсадида қўйидагиларни тақлиф этамиз:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларининг хизмат кўрсатишини юқори даражага олиб чиқиш ва сақлаш мақсадида Самарқанд вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси ходимлари, Самарқанд шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимлари билан ҳамкорликда доимий равища мониторинг олиб боришни йўлга қўйиш ва натижалар таҳлилини (манзилли ютуқлар ва камчиликларни) оммавий ахборот воситалари орқали истеъмолчиларга хабардор қилиб туриш.

2. Озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларидағи маҳсулотларининг яроқлилик муддати камайиб бориши билан уларнинг нархини босқичма-босқич пасайтириб бориш механизмини йўлга қўйиш.

3. Савдо хизмати юқори даражада бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларига “Намунали савдо дўкони” логотипини тақдим этиш ва оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали истеъмолчиларга кенг тарғибот қилиб туриш.

4. Товарларда қонун хужжатларида назарда тутилган товарлар тўғрисидаги маълумот-

ларнинг мавжудлиги (товарнинг номи, товарнинг штрихи коди, товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидлари ва шартлари, кафолатли муддати, товарнинг нархи, товар сифатини кафолатловчи сертификати) бўлмаган тақдирда назоратли давлат органлари томонидан сотилишига йўл қўйимаслигини назоратга олиш.

5. Озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўконларида истеъмол муддати тугаган маҳсулотлар сотилмаслигини назоратга олиш ва тартибга солиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисидаги” қарори. ПҚ-104-сон. 27.01.2022 йил.
2. Джон Ферни и др. Принципы розничной торговли. Пер. с англ. Сапциной У. – М.: ЗАО «Олимп – Бизнес», 2008. – 416 с.
3. Снегирева В. Розничный магазин. Управление ассортиментом по товарным категориям. – СПб.: Питер, 2005. – 416 с.
4. Сысоева С.В., Крок Г.Г. Большая книга директора магазина. – СПб.: Питер, 2009. – 432 с.
5. Абдукаримов Б.А. ва бошқ. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўкув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2016. – 504 б.
6. Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Бозоршунослик. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2010. – 294 б.
7. Абдукаримов Ф.Б. Савдода бозор механизмини тақомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида). – Самарқанд: СамИСИ, 2011. – 156 б.
8. Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақлаб сотиши хизматлари самарадорлигини оширишининг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2017. – 284 б.
9. <https://mineconomy.uz/>
10. <https://uza.uz/uz>
11. <https://lex.uz>